

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ - ЧҮЛПОНШУНОС

Миразиз Мирзаахмедов

Алишер Навоий номидаги, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада етук мунаққид ва адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг Абдулҳамид Чўлпон ҳақидаги қарашлари кенг ёритилган. Шунингдек, Озод Шарафиддинов ўз даврида Чўлпон ижодига баҳо берган адабиётшунос олимларнинг қарашларига муносабат билдиргани ва бошқа мақолалар билан муқояса қилинади. Мақолани ёзишда қиёсий-типологик, социологик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Калит сўзлар: Давр, муҳит, мунаққид, адабиётшунослик, жадид, таҳлил, шеър, янги ўзбек адабиёти.

ABSTRACT

In this article, the views of the mature critic and literary scholar Ozod Sharafiddinov about Abdulhamid Chulpon are widely covered. Also, Ozod Sharafiddinov reacts to the opinions of literary scholars who evaluated Chupon's work in his time and compares with other articles. Comparative-typological, sociological analysis methods were used in writing the article.

Keywords: period, environment, criticism, literary studies, modernity, analysis, poetry, new Uzbek literature.

КИРИШ

XX аср иккинчи ярмида ўзбек танқидчилигига Озод Шарафиддиновнинг ўрни алоҳида. Олим ўзбек адабиётшунослигига ўзининг адабий-эстетик қарашлари билан катта ҳисса қўшган. Озод Шарафиддинов шеърият муаммолари билан шуғулланди, ўзбек поэзияси ва унинг ҳолати ҳақида адабий-танқидий мақолалар ёзди. Ўша даврдаги илмий-ижодий, адабий-танқидий изланишлари “Замон. Қалб. Поэзия” (1962) асарида ўз аксини топган. Олим ўзбек адабиётининг Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир, Зулфия сингари намояндалари ҳақида адабий портретлар яратди: “Истеъдод жилолари” (1976), “Адабий этюдлар” (1968), “Абдулла Қаҳҳор” (1988), “Биринчи мўжиза” (1979). Озод Шарафиддинов ижодида жаҳон адабиёти намояндалари ижоди ҳақида яратилган “Яловбардорлар” (1974) адабий-танқидий очерклар китоби муҳим ўрин эгаллайди. Озод Шарафиддинов XX асрнинг 60-

йилларидан XIX асргача бўлган ўзбек адабий жараёнидаги ҳолатларни “Талант – халқ мулки” (1979), “Адабиёт – хаёт дарслиги” (1981), “Гўзаллик излаб” (1985), “Ҳақиқатга садоқат” (1988), “Сардафтар сахифалари” (1999), “Президент” (2003) сингари асарларида акс эттирди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XX асрнинг 60-80 йилларида у Чўлпон ҳаёти ва ижодини тарғиб қилишга интилди. Мустақиллик йилларида эса Озод Шарафиддинов ҳам адабий танқидчи, ҳам таржимон, ҳам жамоат арбоби сифатида улкан ишларни амалга ошириди. “Чўлпон” (1991), “Чўлпонни англаш” (1994) китоблари, “Эътиқодимни нега ўзгартирдим” (1997) асарларида мунаққиднинг эстетик принциплари акс этган. Кейинги йилларда Озод Шарафиддинов ўзбек адиблари, маданият-санъат арбоблари, олимлар ҳакида ўнлаб мақолалар ёзди. Айниқса, олим истиқлол йилларида Чўлпон ижоди билан жиддий шуғулланди. “Чўлпонни англаш” китобида ҳам шоир ижодига холис баҳо берган. Мунаққид Чўлпон ижодини 1914 йилдан бошлади ва 1920-1927 йилларда унинг ижоди булоқдай қайнади, ҳатто ўз ўзанидан тошди, дея эътироф этади. Олим Чўлпон ижодига хориждаги баъзи адабиётшунослар холислик билан баҳо берганини ҳам қайд этиб ўтади. Бизнингча, Озод Шарафиддиновни қийнаган нарса шуки, Чўлпон ижодига ўз даврида ва ундан кейин ҳам етарлича холис баҳо берилмаганидир. Олим “Чўлпонни англаш” китобида ёзади: “... шоир деярли етмиш йил давомида қораланиб келинди. Бу давр мобайнида шоир шаънига айтилмаган бўхтон қолмади, уни қоралаш, таҳқирлаш бобида ким ўзар мусобақалар авж олди. Юзлаб мақолаларда, китобларда, маъruzalardarда унга “буржуа шоири”, “жадид”, “мафкураси бузук”, “босмачилар куйчиси”, “миллатчи”, “аксилинқилобчи”, “Октябр инқилобини тушунмаган овсар”, “ёшлар онгини заҳарловчи ёт унсур”, “халқ душмани” ва яна алланима балолар деган тавқи лаънат ёпиширилди. Бир йил эмас, ўн йил эмас, салкам етмиш йил давомидая!” [1;28].

Озод Шарафиддинов мана шу етмиш йил давомида Чўлпон ижодини англай оладиган, тушунадиган ойдинлар халқимиз ичидан чиқмаганидан куюнади. Чунки ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар бунга йўл қўймасди. Олим шоир ижодини мана шу етмиш йил давомида ҳеч ким ўрганмади деган фикрни кескин айтмайди ва Чўлпон ижодини мафкурадан ҳоли тарзда ўргангандар олимларни ҳам санаб ўтади. Жумладан, Боймирза Ҳайит билан бир қаторда татар-бошқирд маданиятининг йирик арбоби Закий Валидий, ўзбек мухожирларининг

раҳнамоларидан бири Вали Қаюмхон, 20 йилларда Берлинга ўқишига бориб, ўша ёқларда қолиб кетган доктор Иброҳим Ёрқин ва бошқалар Чўлпон ҳақида жуда юқори фикр билдиришган, дея таъкидлайди олим. Аммо бу олимларнинг хаммаси бошқа юртда туриб Чўлпон ижодини оқлаб, мақолалар ёзганини хам қўшиб қўяди олим. Тўғри, ўша социалистик давр ва ўзга юртдаги муҳит ўртасида катта девор бор эди. Озод Шарафиддинов Чўлпонни англашни, унинг ёзганлари ҳақиқат эканлигини айтиш учун халқимизда ўша даврда жасорат етишмаган дея баҳоламайди, аксинча, социалистик мафкура, синфиийлик шоир ижодини мана шундай тушунишга олиб келганини таъкидлайди.

Озод Шарафиддинов Чўлпон ижодини ўргангандан олимларни хронолгик тарзда бериб ўтади ва уларнинг шоир ижоди ҳақида билдириган фикрларини таҳлил қиласди. Хусусан, Чўлпон ижоди ҳақида матбуотда биринчи бўлиб асли татаристонлик олим Зариф Башарий фикр билдириган, дея қайд этади Озод Шарафиддинов. Чунончи, мунаққид шундай ёзади: “Зариф Башарий 1923 йилнинг 4 май куни “Туркистон” газетасида Чўлпоннинг биринчи тўплами “Ўйғониш”га тақриз эълон қиласди. У тақризнинг бошидаёқ “Чўлпон ўртоқ кейинги даврдаги ўзбек шоирларидан энг олдингиси ва чин маъноси билан шоир деб аталишга лойиқ бўлганидан унинг шеърларини чин адабиёт ва шеър кўзи билан кўриб, текшириш ва танқид қилишга ярайдир” дейди ва шундан сўнг “Чўлпон ўртоқнинг чин юрак ва ҳис шоири”, яъни ҳассос лириклигини айтиб, бу фикрни тасдиқловчи мисоллар келтиради. Мунаққид таҳлил ёрдамида Чўлпон шеърларидаги тасвирийликни, туйғулар теранлигини, сўз қўллаш маҳоратининг юксаклигини кўрсатади”.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бошқа бир мунаққид Вадуд Махмуд ҳам Чўлпоннинг “Булоқлар” шеърий тўпламига сўзбоши ёзганлигини ва унинг “Амалнинг ўлими” деган шеърини таҳлил қилганини ҳам таъкидлаб ўтади олим. Вадуд Махмуд жиндай баёнчиликка йўл қўяётган эса-да, у Чўлпон шеъриятининг моҳиятига анча кириб борган, дея қўшимча қиласди олим. Озод Шарафиддинов Чўлпон ижодини бошқа ракурсдан ўргангандан олим Абдураҳмон Саъдийни ҳам алоҳида эътироф этади. Чунончи, 1924 йилда “Зарафшон” газетасининг икки сонида “Ўзбек ёш шоирлари” ва “Чўлпон” икки мақоласи билан Чўлпон ижодини яхши текширганлигини таъкидлаб ўтади, Озод Шарафиддинов “Чўлпонни англаш” китобида. Абдураҳмон Саъдий Чўлпонни “у ёнадур ҳам ёндирадур” деб таърифлайди. Бу таърифни Озод Шарафиддинов Чўлпонни “лирик шоир” эканлигидан

далолатдир, дея айтиб ўтади. Мақолада Чўлпоннинг “чин маъноси билан романтик бир юрак шоири (лирик)” экани ҳам далиллар билан очиб берилган.

Умуман, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов Чўлпонни англаш ва ўрганиш бугунги кун учун долзарблигини таъкидлайди. Олим Чўлпон шахсиятини ёритишда холисликка, тўғриликка,adolatga йўл қўйгани, унинг шеърлари, танқидий қарашларида миллат эрки, миллат равнақи, хурлиги озодлиги учун жонбозлик кўрсатгани жадид адабиёти ва танқидчилик ривожида катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, Озод Шарафиддинов Абдулла Қодирийни Чўлпоннинг “Тонг сирлари” китобига ёзган шапалоқдеккина сўзбошисига ҳам алоҳида эътибор беради. “Абдулла Қодирий матбуотда Чўлпон шаънига айтилган “Чўлпон йифлоқи шоирдир” деган таъна-дашномларни рад этади, шоир шеърларида кўз ёши кўп учраса-да, Чўлпон “улардан чечаклар ундиromoқчи эканини” айтади”. Мунаққид Чўлпон ҳақидаги дастлабки мақолаларнинг муштарак хусусиятини улар шоир ижодини холис текшириб, баҳолашга ҳаракат қилишгани билан изоҳлайди. Бундан ташқари, мақолаларда Чўлпоннинг кучли томонлари билан бир қаторда, унинг заиф жиҳатлари ҳақида ҳам фикр юритилади. Иккита мақолада айнан бир “нуқсон” кўзга ташланади ва шу нуқсон кейинчалик Чўлпон ижодини бутунлай қоралашга асос бўлади, дея фикр юритиради Озод Шарафиддинов ва мақоладан парча келтиради: “Зариф Баширий ёзади: “Чўлпон ўртоқ “эл” ва “халқ” сўзларини қанча кўп ёзса ва сўзласа ҳам, ул халқ шоири эмас. Халққа яқин бўлган зиёлилар шоиридир. Унинг услугуб ва руҳида халқчиллик жуда оз”. Орадан бир йил ўтказиб мақола эълон қилган Абдураҳмон Саъдий: “Чўлпон оммахалқ шоири эмас, ўқимишлилар, зиёлилар шоиридир”, дея муносабат билдиради. Мунаққиднинг таъкидлашича, 1923-1924 йилларда “халқ шоири эмас, зиёлилар шоири” деган “айблов” сиёсий қабул қилинmas ва бу “айбл”лар катта садо бермаган эди. Кейинчалик бу “айблов”лар — “халқ шоири эмас, зиёлилар шоири” бўлиш Чўлпонни ўлим чоҳига етаклайди. Озод Шарафиддинов бу тақризлар, мақолалар шоир ижодини тўла очиб бермаган, аксинча, Чўлпон юксаклигига олиб борувчи улкан зинанининг битта пиллапояси эди [1;37].

Мунаққиднинг уқтиришича, бу зинапоялар янада парвоз этиши мумкин эди, аммо бундай бўлмади. Чўлпонни англашдаги ҳаракатлар олдинга эмас, орқага кетди. 1927 йилнинг 14 феврал куни “Қизил Ўзбекистон” газетасида Айн (Олим Шарафиддинов) имзоси билан “Ўзбек шоирлари Чўлпон” деган мақола босилди. Шу мақола билан Чўлпон ҳақидаги баҳс бошлангани эълон қилинган, дея таҳлил

қиласи Озод Шарафиддинов. Шундан кейин эса Ойбекнинг “Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?!” мақоласи Чўлпон ижодини ёқлаб чиққани ва яна унга қарши Усмонхоннинг “Мунаққиднинг мунаққиди” мақоласи билан Ойбекка жавоб ёзди. Олим Чўлпон ижодини ва унинг шеърларини таҳлил қилган олимларнинг ҳам дунёқарашини, хукмрон мағкуранинг ёзилмаган қонунларига асосланганини изчил таҳлил қиласи. Хусусан, Айн тахаллусини олган адабиётшунос Олим Шарафиддинов 1927 йилда адабиётни хукмрон мағкуранинг хизматкорига айлантиришдек номуносиб ишни бошлаб берган эди ва синфиийлик кўзойнагини тақиб олгандан кейин ҳамма нарса ўзгариб кетди, дея хулоса қиласи Озод Шарафиддинов. Зиёлилар шоири халқ шоири бўлолмайди деган фикрни ким қачон қачон, қаерда исбот қилган, дея куюнчаклик билан сўз юритади олим. Шунингдек, мунаққид ўша пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби Акмал Икромов ҳам Чўлпон ижодига фикр билдиргани масалани деярли ҳал қилганини таъкидлайди: “Бизда Айннинг Чўлпон ижоди ҳақидаги мақоласи баҳонасида қатор мунозаралар бўлиб ўтди. Айн Чўлпон ижодининг ғоявий тутуриқсизлигини тўғри таъкидлади. Бу тақризнинг адабиётшунослик жиҳатидан қандай қимматга эгалиги ҳақида гапиришга журъят этмайман. Фақат шуни такрор айтаманки, мағкура соҳасида шундай соғлом танқид бўлиши зарурлиги шак-шубҳасиздир”. Хусусан, ўша даврдаги адабиётшунослар, айниқса, Айн Чўлпоннинг тилини яйраб-яйраб мактаганини ҳам эътироф этади Озод Шарафиддинов: “Бу кунги ўзбек адабий тили, шубҳасиз, Чўлпон тилидир. Бутун адабий ёшлиқ унинг тилини ўрнак танийдир. Унга тақлид қиласи”. Кейинчалик эса Айн Чўлпонга “хаёлпараст” деган “айблов” ни ҳам қўяди. Шу билан бирга, олим Миёнбузрукнинг Чўлпоннинг “Ёрқиной” драмаси борасидаги фикрларини танқид қиласи[1;23.]

Озод Шарафиддинов Чўлпон ижоди ҳақида фикр юритган олимларнинг мақоласини ҳар бир гапини таҳлилга тортади. Мунаққиднинг фикрича, улар Чўлпонни ўзларига ўхшаган, давр учун хизмат қиладиган шоирга айлантирмоқчи ҳам бўлишади. Шунингдек, Чўлпонга қаратилган таҳдидлар ортида бошқа ижодкорларга ишора бор эди, дея хулоса қиласи олим. Чунки ўша давр хукмрон вакиллари Чўлпон мисолида қолганларга ҳам дарс бериб қўймоқчи бўлишади, унларнинг шаҳдини қайтармоқчи бўлишади. Мунаққид бу ҳодисани “адабиётшунослик ва танқиднинг манқуртга айланиши” деб баҳолайди.

Шарафиддиновнинг мунаққидлик фаолиятида икки давр кўзга ташланади. Биринчи давр шўро тоталитар

тузумида кечган бўлиб, унда адабиётни тоталитар мафкура ғояларидан ҳимоя қилиш, адабий қонуниятлар асосида тадқиқотлар олиб бориш муаммолари тадқиқ этилган (“Захарханда қаҳқаҳа”, 1962; “Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси”, 1979; “Юртин мадҳи бўлди сўнгги сатри ҳам”, 1979; “Шеър кўп, аммо шоирчи?”, 1983). Иккинчи давр мунаққид фаолиятида асосий давр бўлиб, у истиқлол йилларидағи ижодини қамраб олади. Бу даврда Шарафиддинов миллий адабиётни шакллантириш муаммолари, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигини қайта қуриш, жаҳон адабиёти анъаналарини ўзлаштириш ҳамда таржима санъатини юксалтириш масалаларини тадқиқ этган (“Бир тилда гаплашайлик”, 1987; “Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч”, 2000; “Қайдасан, Морико”, 2002).

Сўнгти йиллардагина Ш.Турдиев, Н.Каримов, Б.Дўстқораев, М.Олимов, У.Долимов, З.Эшонова, Д.Қуронов, У.Султонов каби адабиётшуносларнинг ҳаракати билан Чўлпоннинг инқилобдан олдин ва кейин чоп этилган, ҳозир эса топилиши амри-маҳол бўлиб қолган, журналлар ва газеталарда сочилиб ётган адабий-танқидий асарлари илмий муомалага кира бошлади, дея ёзади мунаққид “Адабиёт яшаса – миллат яшар” мақоласида.

Озод Шарафиддинов Чўлпоннинг лирик меросини, “фавқулодда истеъоддга эга бўлган шоир” руҳиятини, шеъриятининг индивидуал, поетик, публитсистик ва ижтимоий-эстетик моҳиятини теран тушунтириди. Профессор Баҳодир Каримов олим ҳакида шундай ёзади: [2;4] “Озод Шарафиддинов табиатида катта олимларга хос бағрикенглик ва мардлик бор эди. Ўзини-ўзи тафтиш қила олиш, ҳатто чигитдай камчилиги бўлса-да, уни очиқ тан олиш мақомига ҳамма ҳам кўтарила билмайди. Айниқса, дунёқарашлар эврилишга юз тутган, алғов-далғовли бир паллада “нега мен эътиқодимни ўзгартирдим”, дея ўзига савол бериш учун одам, аввало, мард бўлиши керак. Ўз илмий мақола ёки китобларида ёзиб қўйилган, ўз вақтида тўғри туюлган, вақт ўтиши билан ўзгарган фикрлар ҳақиқатини тан олиш ҳам чинакам жўмард олимга хос фазилатdir. Озод ака ижодига назар ташлангада бундай ибратга муносиб ўринлар яққол кўринади. Хусусан, “Адабиёт яшаса — миллат яшар” мақоласида Чўлпоннинг “Шўро ҳукумати ва саное нафиса” мақоласини шоирнинг “инқилобни ижобий кутиб олганининг далили” сифатида, “даҳо”нинг “айрим асарлари таъсирида ёзилган” асар деган тахминни илгари сурганини, янги манбалар билан танишгандан кейин эса фикри ўзгарганини очиқ-ойдин ёзади”. Чўлпон ижодини таҳлил қилиш учун шоирдек таффаккурга, жасоратга эга бўлиш лозим. Озод Шарафиддиновда эса ана шундай жасорат мавжуд эди.

Ҳаттоки, олим адабиётшунос ва ёзувчи Улугбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романини нашр қилишда жонбозлик кўрсатгани адабиёт муҳибларга маълум. Бир сўз билан айтганда, Озод Шарафиддинов мұнаққидлик жасорати билан “адабиётнинг очилмаган қўриқ ерлар”ини асли гулзор эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласди. Шу маънода Чўлпон ижодини янгича тамойиллар асосида ўрганиш натижалари сифатида “Чўлпон”, “Чўлпонни англаш” китоблари, “Адабиёт яшаса – миллат яшар” тадқиқотлари юзага келди.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1925 йил 7—8 қўшма сонида чоп этилган Чўлпоннин “Улуғ Ҳинди” мақоласи ҳақида Озод Шарафиддинов ўз мулоҳазаларини билдириб ўтади. Чўлпон ушбу мақолада Тагор баҳонасида ўзбек адабиётининг ривожи қай йўлдан бориши кераклиги ҳақидаги мулоҳазаларини баён қиласди. Мақолада Тагор асарлари идеал даражасига кўтарилиган чинакам санъат намуналари сифатида талқин қилинган. Хўш, Чўлпон Тагор ижодини қай жиҳатдан идеал ижод деб билади? Шуниси муҳимки, Чўлпон бу тўғрида фикр билдирап экан, фақат ўзбек адабиёти ёхуд ўзбек ёзувчиларинигина назарда тутмайди, балки, умуман, янги адабиётнинг XX аср бошларида адабиётга кириб келган Шарқ ёшларини назарда тутади. Чўлпоннинг назарида бу ёшлар “йўлсизлик” касалига чалинган. Қолаверса, Чўлпоннинг ўзи ҳам “йўлсизлик” дардидан кўп азият чекади. Нима учун? “Йўлсизлик” деганини қандай тушунмоқ керак? Чўлпон ёзади: “Эски адабиёт билан янги адабиётнинг ўртасида қолғон шарқлиқ ёш чинакам чучмал бир вазиятдадир. Эски адабиёт бир ширин: янгиси яна ширин: ғарбники тағин яна ширин. Қайси биттасига кўпроқ берилсин? Афсуски, Чўлпон бу ўринда эски ва янги адабиётнинг “ширинлиги” нималарда ифодаланишини айтмайди, фақат мақола давомида ёшларнинг йўлсизлиги, “бошлаб ўзи йўлсиз” эканини айтиб, унинг моҳияти нимадалигига ишора қиласди: “Ўзимнинг йўлсизлигимдан бироз сўзлаб ўтайин: Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил... Кўнгил бошқа нарса қидирадир. Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқийман: қувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёнгон чироқлар бўлса ҳам, менинг эртам учун! Авлоний, Тавалло, Сиддиқий ва Ҳакимзодаларни ўқимайман, ўқимайман. Мени шу ҳолға солған ўшалар!...” Мұнаққид ўз мақоласидан ўзини ҳимоя қилганини ёзади: “Ўйламанки бугун Чўлпоннинг бу хulosаси билан унчалик келишиб бўлмайди — класцикларимизнинг ҳар қайсиси ўзига хос қиёфага, бир-бириникидан фарқ қилувчи услубга эга экан, оламни идрок этишлари ва олам ҳақидаги қарашлари билан ҳам, эстетик принциплари жиҳатидан ҳам бир-бирларини

такрорламасликлари исбот қилинади. Лекин Чўлпон уларни “бир хил, бир хил, бир хил!” деб баҳолаётган экан, бунда Шарқ шеъриятининг ўзига хос баъзи сифатларини назарда тутаётган бўлиши мумкин”. Кўринадики, Озод Шарафиддинов Чўлпон ижодини шунчаки ўрганмаган. Нафақат, Чўлпон шеъриятини, насрини, драмасини, балки, мақолаларини ҳам таҳлилга тортган. Чунки бу манбалар Чўлпонни англашимиз йўлидаги пиллапоялар бўлиб хизмат қилган.

ХУЛОСА

Умуман олганда, Озод Шарафиддинов Чўплон ижодини ғоявий эмас, бадиийлик асосида кашф қилиша уринади. Мунаққид Чўлпонни холис баҳолашга ҳаракат қиласди. Чўлпоннинг тафаккури, ўша пайтда Шарқ ва Ғарб орасидаги энг яхши мувозанатни аниқлашга урунгани уни ютуғи бўлган ва шу ютуқларни Озод Шарафиддинов синчилаб ўрганиб чиқади. Хусусан, унинг шеъриятидаги танқидий қарашлари насридаги янгиликларни кашф қилиб боради. Озод Шарафиддинов Чўлпоншунос сифатида йиллар давомида Чўлпон асарларини чоп этиш ва унинг тарғиботи билан машғул бўлди. Озод Шарафиддиновдан бошланган Чўлпоншунослик мактабини ҳозирги кунда адабиётшунос олимлар Дилмурод Қуронов, Замира Эшоновалар давом эттириб келишмоқда. Адабиётшунос олим Умарали Норматов ўз мақолаларида маълумот беришича, Озод Шарафиддинов аудиторияларга кириб Чўлпон ижодини тарғиб қилган ва Чўлпонни англашда, англатишда жуда катта ишларни амалга оширган.

Озод Шарафиддинов чўлпоншунослар сардори сифатида Чўлпон руҳиятини, мураккаб даврнинг зиддиятларини, шоир қалбидаги ҳурлик истагини чуқур англади, теран тушунтириди. Чўлпоншуносликдаги бу жараёнлар, яъни асарларини тадқиқ қилиш, адабий матнларни қиёслаш, турли вақтли матбуот нашрларидан шеърларини излаб топиш ва Чўлпон ижодини тадқиқ этиш — Озод Шарафиддинов бошлаган жасоратли ишлар давом этади, деб умид қиласмиз.

REFERENCES

1. Шарфиддинов Озод. Чўлпонни англаш. – Т.:Ёзувчи, 1994. –Б. 48.
2. Баҳодир Каримов. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2014-йил 9-сон.-Б. 4.
3. <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/maqolalar/bahodir-karim-ozod-so-z-sharafi>